



Азамат Тошев

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИДА ТАШҚИ СИЁСАТ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга, олиб борилаётган сиёсатга нисбатан жамоатчилигининг муносибати ўрганиш ҳукуматимизнинг диққат марказида турибди. Буни сўнгги йилларда инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи институтлар тизимининг барпо этилиши, аҳолининг фикрини ўрганувчи "Ижтимоий фикр" жамоатчилик марказининг ташкил этилиши, аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда оммавий ахборот воситаларини

демоиратлаш-тиришга алоҳида эътибор берилаётгани ва бошқа бир қатор ўзига хос фаолиятлар мисолида нўришимиз мумкин. Ҳеч кимга сир эмаски, демократии ҳуқуқий давлат қуришда, жаҳон ҳамжамияти олдига Ватани-миз нуфузини оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёсдир. Мамлакатда демократии жараёнлар қанчалик муваффақиятли амалга оширилаётгани ОАВларининг мустақиллиги, уларда ёритилаётган мавзуларнинг ва муаллифлар нуқтаи назарларининг хилма-хиллиги билан аниқланади. Президентимиз И. Каримов Олий Мажлисининг VI сессиясида оммавий ахборот воситаларига шундай баҳо берган эди: "Матбуот, ахборот воситалари демократии ривожланиш учун улкан аҳамиятга эга. Бирок шуни ҳам эътироф этиш кераки, демократ-лаштириш жараёнида ҳозирча оммавий ахборот воситаларининг фаол роли сезилмаяпти. Улар шу пайтгача ўзларини "тўртинчи хокимият" сифатида намоён қилган-паро йўқ. Оммавий ахборот воситалари диктоирлаштириш йўқ. "нинг. ислохотлар йўлининг-аргитбчиси бўлиб қолиши шарт. Айни пайтда улзрнинг ўзи мохият жихатидан демократии бўлмоғи лозим.

Ўзбекистонда яқинда тузилган оммавий ахборот воситалари демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамгармаси, наза-римда, шу мақсадга хизмат қилади. Уни ҳар томонлама қўллаб-қувватла-шимиз лозим".

Дарҳақиқат, савияси юқори даражада бўлмаган, халқнинг юрагидаги дардини айта олмаган, жаҳон андозалари талабига жавоб беролмаган оммавий ахборот воситалари ўз олдига қўйилган вазифаларни бажара олмади. Оммавий ахборот воситалари халқбилан ҳукуматўртасида воситачи ролини бажариши керак. Шу мақсадда бир қанча иш-лар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот марказининг ташкил этилиши ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида "Жаҳон" ахборот агентлигининг тузилиши бунга ёркин мисолдир. Бу оммавий ахборот воситаларига зарур маълумотларни или манбалардан олиш имконини беради. Шунингдек, бу йўлда ҳуку-кий пойдевор яратилиб, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Журналистлик фаоли-ятини ҳимоя қилиш тўғрисида" қо-нунлар қабул қилинди.

Замонавий оммавий ахборот воситаларини шакллантириш мақсадида жаҳон тажрибасини ўрганиш йўлида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Конрад Аденауэр ва Сорос жамтармалари каби бир қатор ҳукуматга қарашли бўлмаган хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинмоқда. 1997 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида "Радио ва телевидение - ахборот маконида ва жамоатчилик фикрини шакллантириш йўлидаги рақобат" мавзuida ўтказилган халқаро конференция бунинг ёрқин далилидир.

Сир эмаски, ОАВларининг ривожланишида профессионал кадрларнинг касбий маҳорати, билим савияси, интилувчанлиги муҳим ўрин тутadi. Шу сабабли ОАВларида ишлаш учун етук мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлида аниқ режа асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз ва хорижий мамлакатларнинг муайян ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлари муассислигида "Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази"нинг ташкил этилиши натижасида матбуот ходимлари ўз билим сави-

яларини ошириш, хорижий мамлакатларнинг бу соҳада ортирган бой тажрибаларини ўрганиш имкониятига эга бўлдилар. Бугунги кунда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетида халқаро журналистика бўлими фаолият юртиб, унда бевосита жаҳон тажрибаларини ўрганган ҳолда етук кадрлар тайёрлашга киришилди. Бир қатар тапабалар хорижий мэмлакатларнинг машхур билим юртларида тахсил олиб қайтмоқдалар. Бир сўз билан айтганда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари "тўртинчи ҳокимият" сифатида ўзини намоён этиши учун режали равишда амалий ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистан мустақилликка эришгандан сўнг хорижий ОАВлари билан алоқа ўрнатиш масаласи ташки сиёсий фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланди. Чунки Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига канчалик тез кириб бориши ана шу ахборот воситаларида берилadиган хабарларнинг тўғрилигига боғлиқ. Мамлакатимизда хорижий ОАВлари вакилларининг ўз фаолиятини олиб бориши учун кенг имкониятлар яратилди. Ҳозирда Англиянинг Би-Би-Си радиокорпорацияси, "Озодлик" радиоси, Туркиянинг Онадўли ахборот

латлар ҳам ушбу ахборот воситалари орқали Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жараёнидаги муҳим воқеа ва ҳодисалар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар. Натижада бир томондан ҳар бир тингловчи хорижий ахборот воситалари билан Ўзбекистон ОАВларини солиштириш имкониятига эга бўлса, иккинчи томондан оммавий ахборот воситалари ўртасида рақобатга йўл очилиши тингловчиларнинг воқеаларни холис баҳолашларига ҳамда фикрлар хилма-хиллигининг вужудга келишига замин яратади. Булар Ўзбекистонда ОАВларининг жаҳон

агентлиги ва бошқа хорижий ахборот агентликларининг ваколатхоналари очилган ва вакиллари фаолият кўрсатмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар демократиялаштириш жараёни кундан кунга жамиятимиз ҳаётида ўз ўрнини топаётганлигидан дарак беради.

Шу ўринда хорижий агентликларнинг фаолияти тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. У ёки бу хорижий оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимиздаги фаолияти халқимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Айни пайтда жаҳондаги бошқа дав-

андозаларига мос равишда шаклланишига олиб келади.

Кези келганда хорижий ОАВлари фаолиятидаги айрим салбий жиҳатлар ҳам мавжудлигини айтиб ўтиш лозим. Уларда Ўзбекистондаги у ёки бу ҳодисага нисбатан муносабат билдирганларида (яъни маълум бир шахсларнинг манфаатларига ён босишлари натижасида) ҳолислик доирасидан чиқиб кетиш каби ҳолатлар кузатишмоқда. Ўзбекистонда ислохотлар жараёнидаги долзарб муаммолар кўпинча бир томонлама ёритилади, бу муаммоларга нисбатан ижроия ҳокимият вакиллари муносабати эса кам ўрганилади. Буни табиий ҳол сифатида қабул қилиш керак, чунки хорижий ахборот воситалари ҳеч қачон мамлакатимиздаги аҳволни ёритишда ва уни муносиб баҳолашда Ўзбекистон ахборот воситалари каби ватанпарварлик туйғулари билан қарамайдилар. Биз ўлардан буни талаб қилишимиз ёки шунга ўхшаш муносабатни кутишимиз ноўриндир. Аксинча, хорижий матбуотнинг бундай танқидларидан хулоса чиқариб, нима сабабдан улар бу масалага айнан шу тарзда ёндашмоқдалар? - деган саволга жавоб из-

лашимиз зарур.

Ўтиш даврида ҳамма ерда бўлга-ни каби Ўзбекистонда ҳам маълум бир камчиликлар учрайди ва уларни бартараф этиш йўлида аниқ ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир масалага хорижий муаллифлар нуқтаи-назаридан берилган баҳони ҳамда ўз қарашларимизни солиштириб, улардаги фарқлар ҳамда ўхшашликлар-ни аниқлаб, шундан сўнггина келажак вазифаларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Биз албатта хорижий ахборот воситаларини тўла таҳлил қилиш ниятидан йироқмиз, мақсадимиз уларни қисман бўлсада кузатиш орқали биз эришган ютуқларга ташқи дунёда қандай муносабат билдири-лаётгани, улар қанчалик тўғри қабул қилинаётганлигини англашдан иборат. Бу эса ўз навбатида амалий фаолиятимизда етарлича аксини топиб, шу ахборот воситаларининг мамлакатимиз тўғрисида турли хилдаги ҳақиқатга тўғри келмайдиган хабарлар тарқатишларига жавобан чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб қилади. Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, ўтиш даври ҳар доимгидек бир хил ҳис-туйғулар билан ҳамоханг бўлмайди, балки

замонлар ўтиши билан у ўзига хос тус олиб, турли кўринишларда шаклланади. Бу ҳолни эса кўпгина хорижий муаллифлар унутиб қўймоқдалар ва шу асосда хулоса чиқармоқдалар.

Ҳар бир давлатнинг олиб бораётган ташқи сиёсати жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда оммавийлашгани билан кучли ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ҳуқуқий базаси ва механизмлари шаклланаётган бир пайтда у жамоатчилик фикрида етарли ўринни эгаллаши зарур. Акс Холда, олиб борилаётган сиёсат ҳалқдан ажралиб қолиши мумкин. Бу ҳолатда асосий масъулият оммавий ахборот воситалари зиммасига тушади. Чунки тарғибот ва ташвиқот ишлари фақатгина ОАВлари ёрдамида маваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар масалаларига ҳам катта эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир. Тан олиш керакки, бугунги кунда баъзи ҳолатларда ОАВларида сиёсий жараёнларни шархлашда ҳамда халқаро алоқаларни ёритишда таҳлилий нуктаи назар етишмайди, ушбу масалалар юзасидан мунозаралар юритилмайди, берилаётган маълумотлар ҳам ёритилаётган муаммонинг моҳиятини очиқ беришда ожизлик қилади. Буларнинг ҳаммаси жамоатчилик томонидан ташқи сиёсатнинг қўллаб-қувватланмаслигига олиб келиши мумкин. Ҳукумати-миз олиб бораётган ташқи ва ички сиёсат фуқаролар томонидан қанчалик яхши тушунилса, мамлакатимиздаги ички барқарорликни сақлаш учун шунча яхши шариот юзага келади. Ҳозирда ОАВлари у ёки бу даражада мамлакатимизда кечаётган ислохотлар жараёни, Марказий Осиё ва МДҲдаги интеграция жараёни,

минтақанинг, шунингдек, дунёнинг "қайноқ нуқталари"даги сиёсий вазият ҳақида ўз нуктаи назарларидан, мақсадларидан келиб чиқиб хабар берадилар. Ўзбекистан Республикасида фаолият кўрсатаётган барча ОАВлари дастурий ҳужжатларида мамлакатимиз ташқи сиёсатини тушунтириш ва у ҳақда фуқароларни хабардор қилиш вазифаси кўзда тутилган. Пекин бу йўлда ОАВлари ўз вазифаларини тўла бажармаяпти. Ахборот воситалари Ўзбекистан Республикаси ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлар масалалари бўйича сермазмун мақолаларни мунтазам таёрлашни таъминлай олмаётганлиги, ўқувчиларга тақдим этилган халқаро мавзудаги мақолаларда аниқ концептуал асослар ва тизимлар йўқ. Кейинги пайтда ташқи сиёсат йўналиши бўйича фаоллашув тенденцияси кузатилади, бироқ таҳлилий муносабат кучсизлиги куринади. Демократиялаштириш жараёнида Ўзбекистан ОАВлари ўз имкониятларидан тўлалигича фойдаланмаяптилар.

Хулоса қилиб айтганда бугунги кунда ОАВ олдида бир қатор долзарб бўлган муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Бу борада биз қуйидагиларни тавсия қилишни лозим топдик:

- Ўзбекистан фуқароларининг сиёсий маданиятини ошириш мақсадида Ўзбекистан ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлар масалалари бўйича таҳлилий ахборот беришда матбуотнинг ўрнини қайтадан кўриб чиқиш лозим;

- "Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази" билан биргаликда халқаро муаммоларга ихтисослашган оммавий ахборот воситалари муаллифлари-нинг малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқиш зарур,

“Ўзбекистан Республикаси ташқи

сиёсий фаолиятининг асосий
принциплари тўғрисида
Қонунга мувофиқ Ўзбекистон
Республикаси давлат
раҳбарларининг ташқи сиёсатдаги
йўлини ёритувчи етакчи олимлар-
нинг оммавий ахборот воситаларида,
энг аввало кундалик нашрларда чи-

қишларини ташкил қилиш керак;
Жаҳон сиёсатидаги долзарб
муаммолар ва Ўзбекистоннинг хал-
қаро алоқалари масалалари билан
шуғулланувчи муаллифлар билан
мунозарали суҳбатлар уюштириш
мақсадга мувофиқдир.

SUMMARY

Azamat TOSHEV

THE FOREIGN-POLICY TERMS IN PUBLIC OPINION AND MASS-MEDIA

The concepts taken from the glossary of foreign political affairs are the subject of analysis. The author proposes the thrusts of the development of mass media in Uzbekistan. A. Toshev opines that mass media requires radical reforming, including establishing a special upgrading training programme for journalists, especially those who work abroad.

РЕЗЮМЕ

Азамат ТОШЕВ

ВНЕШНЕПОЛИТИЧЕСКИЕ ПОНЯТИЯ В ОБЩЕСТВЕННОМ МНЕНИИ И СМИ

Внешнеполитические понятия - как формируются они в общественном мнении, каковы источники и механизмы такого формирования? Автор статьи, исходя из анализа сегодняшнего состояния средств массовой информации Узбекистана, размышляет об этом и предлагает пути совершенствования деятельности СМИ. По мнению А.Тошева, назрела необходимость комплексного пересмотра деятельности СМИ, разработки специальной программы повышения профессиональной квалификации журналистов, в том числе журналистов-международников.